



## ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a44](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a44)

**Саидов Машғал Самадович** -  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети, доценти и.ф.д.

**Аннотация.** Илмий мақолада глобаллашув шароитида электр энергияси тармоғида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, тармоқда сақланиб қолаётган муаммолар, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш жараёнидаги табиий монопол ҳолатлари, электр энергетика соҳасини тартибга солиш ва бошқаришдаги муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** электр энергетика, электр энергиясини ишлаб чиқариш, табиий монополия, рақобат муҳити, энергия ресурслари, энергия объектлари, иссиқлик электр станцияси, иссиқлик электр марказлари, муқобил энергия манбалари, гидроэлектрстанцияси, нефть маҳсулотлари.

## ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЕГУЛИРОВАНИЯ И УПРАВЛЕНИЯ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ СЕТЬЮ

**Саидов Машғал Самадович** -  
д.э.н., доцент, Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В научной статье рассматриваются реформы, проведенные в секторе электроэнергетики в контексте глобализации, и их результаты, проблемы, которые сохраняются в сети, случаи естественной монополии в процессе производства и передачи электроэнергии, проблемы в регулировании и управлении сектором электроэнергетики, а также приводятся предложения и рекомендации о способах их преодоления.

**Ключевые слова:** электроэнергия, производство электрической энергии, естественная монополия, конкурентная среда, энергетические ресурсы, энергетические объекты, тепловая электростанция, теплоэнергетические центры, альтернативные источники энергии, гидроэлектростанция, нефтепродукты.

## ECONOMIC FEATURES OF THE REGULATION AND MANAGEMENT OF THE ELECTRIC POWER NETWORK

**Saidov Mashal Samadovich** -  
DSc (in economics), dotsent,  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This scientific article examines the reforms carried out in the electricity sector in the context of globalization and their results, the problems that are being maintained in the network, the natural monopoly cases in the process of generating and transmitting electricity, the problems in the regulation and management of the electric power sector, and provides suggestions and recommendations on ways to overcome them.

**Key words:** electric power, production of electric eenergy, natural monopoly, competitive environment, energy resources, energy facilities, thermal power plant, thermal power centers, alternative energy sources, hydroelectric power station, petroleum products.

**Кириш.** Иқтисодиётнинг электр энергетика тармоғи қолган барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланиши учун асосий вазифани бажариб беради. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун: биринчидан, энергетика саноати мустақил бўлиши, иккинчидан энергия ресурслари захираларига эга бўлиши, учинчидан энергетика саноати замонавий бошқарувга асосланган бўлиши, тўртинчидан соҳа замонавий технологияларга эга бўлиши ва ундан самарали фойдаланиш даражаси юқори бўлиши зарур. Энергетика саноатининг мустақил бўлиши – истеъмолчиларнинг электр энергияга бўлган талаби ҳар доим мамлакат ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таъминланиши керак.

Энергия ресурслари захираларига эга бўлиши – электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича бирламчи энергия ресурсларини (нефть, газ, кўмир) қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган иссиқлик электр станциялари ва марказларига эга бўлиш лозим. Энергетика саноати замонавий бошқарувга асосланиши – электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали истемолчиларга етказиб беришда сифатли ҳамда мунтазам аниқликда ишлайдиган бошқарув тизими мавжуд бўлиши керак. Соҳада замонавий технологияларга эгалик қилиш ва ундан самарали фойдаланиш – электр энергиясини ишлаб чиқариш

да кам харжлилик тамойилиги асосланиш, истеъмолчиларга электр энергиясини магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб беришда «табиий йўқотилиш» миқдорини камайтириш тушинилади.

Мамлакат иқтисодиётида энергетика саноати ёқилғи-энергетика комплексининг (ЁЭК) ажралмас қисми бўлиб, унинг нафақат ички, балки ташқи иқтисодиётининг ривожланиши учун муҳим ҳисобланади. Ёқилғи-энергетика комплекси иқтисодиётнинг этакчи тармоғи бўлиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тўртдан бирдан кўпроғини таъминлайди, бюджет даромадларининг 50 фоизини ташкил этади.

Энергетика тармоғини тартибга солиш ва самарали бошқариш орқали бутун миллий иқтисодиётнинг ўсишига ва қолган тармоқларнинг ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Бунинг учун энергетика тармоғини ривожлантириш борасидаги қонун ва қарорларни қабул қилишда илғор хориж мамлакатлари тажрибаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Энергетика соҳасини ривожлантириш борасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан охириги йилларда бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди, Жумладан, 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5646-сонли [1], 2022 йил 9 сентябрдаги «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-220-сонли фармон [2], 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4249-сонли қарор [3] қабул қилинган.

Мазкур қабул қилинган фармон ва қарорлар энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Энергетика тармоғи иқтисодиётни энг муҳим ишлаб чиқариш омиллари – энергия ресурслари билан таъминлайдиган асосий (инфратузилма) тармоқларини ўз ичига олади. Жумладан, ёқилғи-энергетика тармоқларини бошқариш бутун миллий иқтисодиётни тартибга солиш муаммосининг бир қисми сифатида муҳим

вазифа бўлганлиги сабабли, давлат томонидан энергетика сиёсати юритилади.

Энергия сиёсатини олиб боришда амалиётдаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, илмий назарияларга асосланган ҳолда давлат томонидан энергетика стратегияси ишлаб чиқилади. Стратегия энергетика сиёсатининг асосий мақсади сифатида, унинг асосий йўналишлари ва вазифаларини белгилайди. Шу билан қаторда мувофиқлаштирилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш (макро, мезо ва микро даражаларда), уларнинг бажарилишини режалаштириш ва мониторингини ўз ичига олади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Энергетика тармоғи миллий иқтисодиётнинг асосий инфратузилма тармоқларининг ривожланиши учун хизмат қилади. Шу сабабли, энергетика тармоғи давлат томонидан тартибга солиб турилади. Энергетика тармоғини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари таҳлил қилиш натижасида мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлаш, жамоат фаровонлигини ошириш, тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари мувозанатли қўллаш зарурлигини белгилайди.

Анъанавий энергия манбаларини муқобил энергия манбаларига алмаштириш имконияти барқарор иқтисодий ривожланиш йўналишларидан биридир [4,5,6]. «Яшил энергия» дастурига инвестицияларни жалб қилиш, келажакда узоқ муддатли харажатларни ташкил қилиши мумкин, лекин улар жорий йиллар учун соҳада фойдали инвестициялар бўлиши мумкинлигини ифодалайди. [7,8].

Электр ва иссиқлик электр станциялари ҳар хил турдаги органик ёқилғи, атом энергияси ва қайта тикланадиган энергия манбаларида ишлайди. Энергия таъминоти муаммосини ҳал қилишнинг кўп ўзгарувчанлиги электр станцияларининг алмашинувига асосланади. «Электр ишлаб чиқарувчи станцияларнинг ўзаро алмашинувчанлиги минтақавий энергия тизимларини ривожлантиришнинг турли сценарийларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш ва уларнинг ҳар бири учун энергия таъминотининг ишончлилиги, экологик тозаллиги ва самарадорлик мезонлари асосида энергия қувватларининг мақбул тузилишини шакллантириш имконини беради» [9].

Миллий иқтисодиётнинг барқарор даражада ривожланиши, энергетика саноатини ва энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ривожланишига боғлиқ. Илмий адабиётларда «энергетика саноатининг барқарор ривожланиши» тушунчасининг аниқ таърифи йўқ. Д.Л.Грин ўз асарларида «энергия барқарорлиги келажак авлодлар учун энергия хавфсизлигига имкон берадиган энергия манбаларига эгалик қилишнинг кафолати сифатида белгилайди»[10]. Таъ-

кидлаш жоизки, Д.Л.Гриннинг энергия барқарорлиги таърифида инсониятнинг келажакдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш мамлакатнинг барқарор ривожланишининг расмий таърифига мос келади.

Мамлакат энергетика секторининг барқарор ривожланиши учун институционал муҳим муҳим рол ўйнайди, у «ёқилғи-энергетика сектори тизими фаолият кўрсатадиган асосий ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий қоидалар ва моделлар тўпламини ифодалайди. Институционал компонент қуйидагиларни таъминлайди: нормалар ва стандартларни ишлаб чиқиш; меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; ахборот-таҳлилий ўзаро таъсир; иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш; инновацион ривожланиш даражаси; истеъмол сектори имкониятлари; бошқарув сифати» [11].

Энергетика соҳасини ривожлантиришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш соҳанинг умумий стратегиясининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг энергия салоҳиятидир – қайта тикланадиган энергия манбаларининг тегишли турига хос бўлган энергия миқдорини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади [12].

Ўзбекистон нефть-газ саноати (НГС) мамлакат ёқилғи-энергетика комплексининг (ёқилғи-энергетика комплекси) асосий бўғинларидан биридир. Бугунги кунда у мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида нефть ва газ ресурсларидан самарали фойдаланиш, ёқилғи-энергетика комплексида инновацияларни қўллаш ва соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш зарур ҳисобланади [13].

Атом электр станцияларининг мамлакат иқтисодиётининг ривожлантириш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг жозибадорлиги таъсир қилувчи бир қатор ноёб хусусиятларга эга. Атом энергетикасини ривожлантириш дастурлари ҳар доим давлат ва инвесторларнинг узоқ муддатли мажбуриятларини белгилаб беради. Шунинг учун ядровий фаолиятдан келиб чиқадиган молиявий хатарлар ва келажакдаги мажбуриятлар доимо дунё мамлакатларининг диққат марказида бўлади [14].

Ҳар бир мамлакатнинг электр энергетика бозори тарихан давлат назоратида бўлиб, тармоқ фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш бозор механизмлари орқали эмас, балки давлат бошқарув механизмлари орқали бошқарилган. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнини ҳаддан

ташқари марказлаштириш, тармоқни монопол мавқеини сақлаб қолади. Бунинг натижасида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотишни бошқаришнинг янада мослашувчан ва хилма-хил шаклларида фойдаланишга тўсқинлик қилади, шунингдек, бозорни эркинлаштириш ва рақобат муҳитини самарали шакллантиришга турли кўринишдаги тўсиқларни юзага келтиради [15].

Энергетика тармоғи иқтисодиётнинг асосий тармоғинини ташкил этади, у миллий иқтисодиётни ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган универсал ва алмаштириб бўлмайдиган ресурслар билан таъминлайди. Ушбу тармоқлар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ва газ ҳам муҳим товар бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг энергетика соҳасида давлат бюджетининг даромад қисмининг сезиларли улушини шакллантиради.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада электр энергетика тармоғини тартибга солишда олиб борилган ислохотларни қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий адабиётларда энергетика тармоқлари ва энергия бозорларини тартибга солиш муаммоларини таҳлил қилишнинг назарий асослари жуда кенг, чунки улар иқтисодиётнинг асосий инфратузилма секторини ифодалайди. Мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил қилувчи тармоқлар ҳар доим табиий монополиялар соҳаларидан ташкил топган. Табиий монополиялар соҳаларини тартибга солиш ва бошқариш назариялари дунё иқтисодчи олимлари томонидан ҳар доим кенг мунозараларга сабаб бўлади.

Глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг инфратузилма соҳаларини тартибга солиш ва бошқаришда давлат сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- институционал тузилмани аниқлаш ва ресурсларга эгаллик ҳуқуқини тақсимлаш, яъни саноатнинг давлат (жамоат), хусусий ва аралаш тармоқларини аниқлаш. Шу мақсадда хусусийлаштириш ёки таркибий сиёсат каби давлат сиёсати воситаларидан фойдаланилади;

- давлат тасарруфида бўлган мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда давлат тасарруфида сақланиб қолган қисми бўйича бевосита замонавий бошқарув тамойилларга асосланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- табиий монополиялар соҳаларида бозор механизмларини қўллаб самарадорликни таъминлашнинг имкони бўлмаган жойларда давлат


томонидан тартибга солиш тизимини замонавий кўринишларда шакллантириш;

- табиий монополиялар соҳаларида давлат аралашуви воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш: таркибий сиёсат, нархларни тартибга солиш, солиқ сиёсати ва бошқалар.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши доимо электр энергетикаси соҳасида олиб борилаётган ислохотларга ва унинг салоҳиятига боғлиқ. Сабаби, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида электр энергетикаси соҳаси муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасида саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ижтимоий – иқтисодий соҳаларни рағбатлантириш, аҳоли фаро-

вонлигини юксалтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида» ги ПҚ-4249 сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, амалдаги «Ўзбекэнерго» АЖ учта мустақил: «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Натижада, истеъмолчиларга электр энергиясини худудий тармоқлар орқали етказиб бериш босқичи – табиий монополия вазиятидан, эркин рақобат муҳитини шакллантириш имконияти яратилди (1-расм).



**1-расм. Электр энергетикаси соҳасининг юқори ҳажмдаги вертикал интеграциялашган жараёни (соҳани табиий монополияга айлантирадиган иқтисодий ва технологик хусусиятлари)**

*Манба:* муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Электр энергетикасини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва худудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш жараёнидаги айрим мураккабликлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: электр энергиясининг бир жойда сақлаб туриш имконининг йўқлиги; электр энергиясига бўлган талаб ва таклиф ҳар доим кучли тебранишлар асосида (мавсумга қараб) ўзгариб туради; экологик жиҳатдан атроф-муҳитга етказилган зарарлар ҳисобига юқори харажатларни келтириб чиқаради; электр энергиясини магистрал линиялар орқали узатиш жараёни доимо табиий монополия ҳисобланади; табиий йўқотилиш миқдорининг кўплиги сабабли, электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва худудий тармоқлар орқали етказиб бериш доимо юқори ҳажмдаги вертикал интеграциялаш жараёнини ташкил этади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инфратузилма тармоқларида рақобатбардошликни таъминлаш омиллари: техник ва технологик тараққиётнинг юқори даражаси; ишлаб чиқариш жараёнининг илмий ва инновацион ривожланиши; аҳолининг саводхонлик ва саломатлик даражасининг юқори суръатлари; иқтисодий фаолият субъектларининг ахборот-коммуникация тизими орқали юқори интеграциялашуви; бозор инфратузиласининг сифати ва самарадорлик даражасининг юқорилиги; ички бозор сиғимининг юқори даражаси; қулай инвестицион ва инновацион муҳитнинг юқори суръатлари ва бошқалар.

Иқтисодиётнинг инфратузилма тармоқларини тартибга солиш тажрибаси хорижий мамлакатлар амалиётида уларни қайси органлар томонидан бошқарилиши 1-жадвалда келтирилган.

Франция, Германия ва Буюк Британияда фаолият юритаётган тармоқларни тартибга солиш ва назорат қилиш органлари [18]

Тармоқ номлари	Франция	Германия	Буюк Британия
Энергетика (электр ва газ) тармоғи	Энергияни тартибга солиш комиссияси (CRE)	Федерал тармоқ агентлиги (BNetzA)	Газ электр бозори идораси (OFGEM)
Авиация транспорти	Фуқаро авиацияси бош бошқармаси (DGAC)	Федерал авиация бошқармаси	Фуқаро авиация бошқармаси (CAA)
Автомобиль транспорти	Темир йўл ва автомобиль йўллари фаолиятини тартибга солувчи органлар (ARAFER)	Автотранспорт Федерал идораси	Темир йўл ва йўл идораси (ORR)
Темир йўл транспорти			
Почта хизматлари	Электрон алоқа ва хабарларни тартибга солувчи орган (ARCEP)	Федерал тармоқ агентлиги (BNetzA)	Алоқа идораси (OFCOM)
Телекоммуникациялар			
Аудио-визуал	Юқори аудиовизуал кенгаш (CSA)	Давлат оммавий ахборот воситалари муассасалари деректорлар кенгаши	

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатларда табиий монополиялар соҳалари ҳисобланган – электр энергетика, нефть-газ, алоқа ва транспорт тармоқларида либераллаштириш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Хориж мамлакатларида соҳаларни эркинлаштириш чегаралари турли хил бўлиб, ҳар бир давлатнинг қонунчилигига кўра, улар табиий монополиялар соҳаларини ташкил этади. Электр энергетикаси тармоғи ҳар доим иқтисодиётнинг бошқа

тармоқларининг эркин ривожланиши учун асосий вазифани бажариб беради. Яъни барча тармоқларни электр энергияси билан таъминлаб беради. Бугунги кунда ҳеч бир соҳа ёки тармоқ йўқ-ки, электр энергиясиз ўз мақсадида эриша олмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда 2020 йил бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича энергосамардорлик кўрсаткичларининг таҳлили 2-жадвалда кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича энергосамардорлик кўрсаткичлари (2020 й)

Худудлар	Энерго – самардорлик %	Ёқилғи ва энерго ресурсларига (ЁЭР) харажатлар: (млн. сўм)	Шундан:			Жами ЁЭР га нисбатан ёқилғи харажатлари улуши, %	Жами ЁЭР га нисбатан э/э харажатлари улуши, %	Жами ЁЭР га нисбатан и/э харажатлари улуши, %
			ёқилғи	Электр энергияси	Иссиқлик энергияси			
Ўзбекистон Республикаси	2,5	15634887,7	11230134,6	4338839,3	65913,9	71,8	27,8	0,4
Қорақалпоғистон Республикаси	3,2	654180,1	446201,8	207418,9	559,3	68,2	31,7	0,1
вилоятлар:								
Андижон	2,7	1220133,3	1049623,5	170425,9	83,9	86,0	14,0	0,0
Бухоро	1,4	392973,2	241259,4	125432,7	26281,2	61,4	31,9	6,7
Жиззах	2,9	325474,0	235596,3	89870,1	7,6	72,4	27,6	0,0
Қашқадарё	1,6	358706,8	286685,9	71743,4	277,5	79,9	20,0	0,1
Навоий	4,4	3009233,4	2799674,2	206387,4	3171,7	93,0	6,9	0,1
Наманган	2,2	450549,7	286923,9	163202,4	423,5	63,7	36,2	0,1
Самарқанд	1,8	530191,4	289222,9	239415,2	1553,3	54,6	45,2	0,3
Сурхондарё	1,5	227142,5	178620,2	47920,2	602,0	78,6	21,1	0,3
Сирдарё	1,4	180036,2	112583,9	66874,6	577,7	62,5	37,1	0,3
Тошкент	3,1	2955295,9	2487520,4	447852,6	19922,9	84,2	15,2	0,7
Фарғона	2,9	1110630,2	731264,1	377950,6	1415,5	65,8	34,0	0,1
Хоразм	2,0	273398,2	189891,4	82870,2	636,6	69,5	30,3	0,2
Тошкент ш.	1,9	3946942,8	1895066,5	2041475,0	10401,4	48,0	51,7	0,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари



2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича энергосамарадорлик кўрсаткичларининг таҳлил қилинган. Бунда, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича энергиясамарадорлик кўрсаткичи 2,5 фоизни, ёқилғи ва энерго ресурслари (ЁЭР) харажатлари жами республика бўйича 15634887,7 млн.сўмни ташкил қилган. Шундан ёқилғи 11230134,6 млн. сўмни, электр энергияси 4338839,3 млн. сўмни, иссиқлик энергияси 65913,9 млн.сўмни ташкил қилган. Жами ЁЭР га нисбатан ёқилғи харажатлари улуши 71,8 фоизни, ЁЭР га нисбатан электр энергияси харажатлари улуши 27,8 фоизни, ЁЭРга нисбатан иссиқлик энергияси харажатлари улуши 0,4 фоизни ташкил қилган.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳаси жуда қийин ҳолатда фаолият олиб бормоқда, сабаби йилдан йилга мамлакат иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадамлар ташламоқда. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам яхшиланиб бормоқда, бунинг учун эса кўшимча электр энергияси талаб этилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Дунё иқтисодиёти шиддат билан ривожланиб бормоқда, бу ривожланиш тенденциясидан қайси давлат орқада қолса, албатта шу давлатнинг иқтисодиёти бир неча йилларга ривожланишдан орқага қолади. Шу сабабли, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши амалда бўлган қонунчилик ва келгуси истиқболни ўйлаб қабул қилинаётган қонун ва қарорлар қанчалик мукамал, шаффоф ва адолатли бўлишига боғлиқ. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

1. Мамлакат қонунчилигида самарали ва соғлом рақобат муҳитини таъминлашда қуйидагилар эътиборга олиниши муҳим ҳисобланади:

- фаолият соҳаларида янги корхона ва ташкилотларни ташкил этишдаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш ва янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотлар учун имкониятлар яратиш;

- фаолиятини янгидан бошлаган корхона ва ташкилотларга бозорга кириш ва янги шарт-

номалар тузишда ҳуқуқий жиҳатдан устунлик бериш;

- бозорда айрим корхона ва ташкилотлар учун асосиз енгилликлар ва қўшимча имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечиш;

- табиий монопол тармоқлар бўйича таркибий-тузилмавий ўзгартиришлар киритиш орқали уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш;

- бозорга кириш ҳуқуқини берувчи корхона ва ташкилотларнинг устав капиталидаги маблағларнинг миқдорини камайтириш бўйича ҳуқуқий меъёрларни янгилаш;

- давлат ташкилотлари томонидан корхона ва ташкилотлар фаолиятини асосиз текшириш амалиётидан ва бозорда рақобатни чеклашга доир ҳуқуқий меъёрлардан воз кечиш.

2. Республикамиз электр энергетикаси соҳаси бўйича юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғида фойдаланиб турилган асосий воситаларни босқичма-босқич замонавий технологияларга алмаштириш ишларини жадаллаштириш;

- иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказларидаги бошқарув фаолиятини такомиллаштириш керак. Бошқарув фаолиятини кам харажатлилик тамойилларига мослаштириш ва замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш;

- иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказларидаги эскирган ускуналарни рўйхатга олиб, янги турдаги замонавий воситалар билан таъминлаш;

- электр энергиясини ишлаб чиқаришда давлат хусусий шерикчилик, хорижий инвесторларни жалб этиш орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ишларини тезлаштириш;

- электр энергиясини ҳудудий электр тармоқлари орқали узатиш билан шуғулланувчи давлат тасарруфидаги корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариб, тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5646-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/4188798>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-220-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/6189000>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4257083>
4. Büyükoğkan G.A novel renewable energy selection model for United Nations' sustainable development goals / G. Büyükoğkan, Y. Karabulut, E. Mukul//Energy, Volume 165, Part A. - 2018. - P. 290-302.
5. Khoshnava S.M. Green efforts to link the economy and infrastructure strategies in the context of sustainable development / S. Meysam Khoshnava, R. Rostami, Rosli Mohamad Zin, Hesam Kamyab, Muhd Zaimi Abd Majid, AlirezaYousefpour, Abbas Mardani // Energy, Volume 193. - 2020. – URL: (датаобращения: 01.05.2020).

6. Przychodzen, W. Determinants of renewable energy production in transition economies: A panel data approach/ W. Przychodzen, J. Przychodzen //Energy, Volume 191. - 15 January 2020. – URL: 171https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0360544219322789 (дата обращения: 15.04.2020).
7. Catrini, A. P. Sustainable development of energy, Water and Environment Systems / A. P. Catrini, A. Piacentino, N. Markovska, Z. Guzović, Vad Mathiesen B., S. Ferrari, N. Duić, H. Lund // Energy, Volume 190. - 2020. - URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0360544219321279>(датаобращен ия: 30.04.2020).
8. Olabi, A. G. Developments in sustainable energy and environmental protection / A. G. Olabi // Energy, Volume 39. - 2012. - P. 2 - 5. - URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0360544211008632> (дата обращения: 19.04.2020).
9. Любимова, Н. Г. Экономика и управление в энергетике: учебник для магистров / Н.Г. Любимова, Е.С. Петровский. – М.: Издательство «Юрайт», 2017. - 485 с.: ISBN 978-5-9916-3319-2.
10. Greene, D. L. Measuring Energy Sustainability. Chapter 20 in Linkages of Sustainability/ eds. T.E. Graedel and E. van der Voet // The MIT Press, Cambridge, MA. - 2009. - P. 354-373.
11. Кондраков О.В. Повышение энергетической безопасности на основе экономически устойчивого развития топливно-энергетического комплекса: автореферат дис. доктора экономических наук: 08.00.05 / Кондраков Олег Викторович; [Место защиты:Юго-Западный государственный университет]. – Курск, 2020. - 47 с. - URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01010242691> (дата обращения: 30.05.2020).
12. Saidov M.S. Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan // INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT ISSN (electronic): 2620-6269/ ISSN (printed): 2615-4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023 P. 38-52.
13. Saidov M.S. Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan // Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 25, Jan-2023 ISSN 2697-2212 P. 15-24. Available Online: <https://economics.academicjournal.io>
14. N. K. Yuldashev, M. S. Saidov. The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants // AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No. 1, 2023. P. 86-99.
15. Saidov M.S. Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekistan // International Journal of Business Diplomacy and Economy ISSN: 2833-7468 Volume 2 | No 1 | January -2023. P. 98-110.
16. Saidov M.S. Ways to ensure energy security in Uzbekistan. Middle European scientific bulletin, Volume 21 FEB 2022. ISSN 2694-9970. S. 66-82.
17. Саидов М.С. Энергетика хавфсизлигини таъминлашда соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. №1. 2022 йил, 197-214-б
18. Саидов М.С. Электр энергетика соҳасини бошқаришда хориж тажрибасидан фойдаланиш йўллари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2021 йил, №6. 44-53 б.
19. Саидов М.С. Электр энергетика соҳасини тартибга солиш ва бошқаришда олиб борилаётган ислохотлар // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2021 йил, №5. 133-142-б.



**ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИЧКИ  
БОЗОРНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШНИНГ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Азларова Мунира Муҳаммад Амин қизи –  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети тадқиқотчиси**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a45](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a45)

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида ички бозорни озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришнинг назарий-услубий жиҳатлари ёритилган. Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳамда бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, озиқ-овқат товарлари бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятининг тури эканлиги, жамият ҳаёти учун зарур маҳсулотларга бўлган талабни қондириш ҳар қандай давлат учун муҳим масала ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат товарлари, бартер, талаб ва таклиф, бозор, маҳсулот сифати, маҳсулот нархи, назорат, истеъмол товарлари, аграр, саноат, бюджет-солиқ, пул-кредит, минтақавий, ижтимоий, экологик, транспорт сиёсати, институционал, ижтимоий-иқтисодий шароитлар.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НАПОЛНЕНИЯ ВНУТРЕННЕГО РЫНКА ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫМИ  
ТОВАРАМИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

**Азларова Мунира Муҳаммад Амин қизи -  
Соискатель Ташкентского государственного  
экономического университета**

**Аннотация.** В данной научной статье рассматриваются теоретические и методологические аспекты наполнения внутреннего рынка продовольственными товарами в условиях глобализации экономики. Указывается, что производство товаров народного потребления и наполнение рынка качественной продукцией, произведенной в нашей стране, является видом экономической деятельности, связанной с производством и реализацией продуктов питания, подчеркивается, что удовлетворение спроса на продукты, необходимые для жизнедеятельности общества, является важнейшей задачей любого государства. Вносятся предложения и рекомендации по обеспечению благосостояния населения.

**Ключевые слова:** продовольственные товары, бартер, спрос и предложение, рынок, качество продукции, контроль цен на продукцию, потребительские товары, аграрная, промышленная, бюджетно-налоговая, денежно-кредитная, региональная, социальная, экологическая, транспортная политика, институциональные, социально-экономические условия.